

SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда нашр қилинади

Анъанавий каштадўзлик Устюрт платосида ноқонуний сайгоқ овига альтернатива сифатида

Питер Дамерелл, Елена Бикова ва Э.Дж. Милнер-Гулланд

Муаллиф-мухбир: Питер Дамерелл, Пекин ўрмон университети, Peterdamerell@hotmail.co.uk



Питер Дамерелл сурати

Ночорлик ва ишсизлик сайгоқни ноқонуний овлашнинг жиддий ва белгилловчи сабаблари ҳисобланади. Устюрт платосида ишга жойлашиш бўйича чекланган имкониятлар сайгоқ овлашдан олинмаган даромадни ночор одамлар учун қулай қилади. Ночорлик, эҳтимол, аҳолининг нисбатан арзон сайгоқ гўштини истеъмол қилишига ҳам сабаб бўлар.

Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс Жаслик ва Қорақалпоқ поселкаларида яшайдиган аёллар анъанавий каштадўзлик техникасига ўрганаётган икки марказни яратишда ёрдам кўрсатди. Бу марказлар, улар орқали каштадўзлик маҳсулотлари сотилиши мумкин бўлган бизнес-тузилмаларни такдим этади, ва маҳаллий аҳоли сайгоқни сақлаш масалалари бўйича билим оладиган ўқув марказлари сифатида чиқади. Оила бюджетини аёллар олиб борганлиги сабабли, мунтазам ошиб борадиган ижобий муносабат ва қўшимча даромад манбаи пайдо бўлиши натижасида аёлларнинг ўзлари сайгоқ гўштини сотиб олмай қўяди ёки молиявий аҳволининг яхшиланиши уларга бундай қилмасликка имкон беради деган тахмин қилинди. Лойиҳада иштирок этаётган аёллар ўз эркак-қариндошларини сайгоқни браконьерларча овлашда қатнашишдан қайтариши иккинчи муҳим натижа бўлади деб тахмин қилинган эди.

Қўйилган мақсадлар бажарилиши бўйича схема самарадорлигини баҳолаш ўтказилди. Таҳлил вақтида бу схеманинг узоқ муддатли ўз харажатларини ўзи қоплайдиган дастур сифатида мустақамлиги ҳамда табиат муҳофазасига таъсири кўриб чиқилди (1-жадв.).

Даромад келтириши ва бозордаги талаб:
Ҳозирги вақтда каштадўзликка ўқитиш

Охири 2-бетда.

МУНДАРИЖА

Асосий мақола

Питер Дамерелл, Елена Бикова ва Э.Дж. Милнер-Гулланд
Анъанавий каштадўзлик Устюрт платосида ноқонуний сайғок
овига альтернатива сифатида.....

1

Янгиликлар

Бакитбек Дуйсекеев

Браконьерликка қарши кураш.....

5

Анатолий Хлуднев

«Степной» заказнигининг иш кунлари.....

5

Евгения Авраменко

Сайғоклар: кино учун ўйлаб топилмаган ҳикоя.....

7

Гульмира Изимбергенова

Устюртда (Қозоғистон) аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича

Медиа кампания.....

8

Елена Бикова ва Севара Шаропова

Сайғок катта экранга чиқмоқда.....

9

Елена Бикова Янги бадиий-адабий экологик лойиҳа

Ўзбекистонда муваффақият билан ўтди.....

10

Батхуанг Б., Чимеддорж Б.

Мўғулистон ва Хитойнинг ғарбий районларида сайғок

дериватлари трансчегара савдосининг олдини олиш.....

11

Матбуотдан:

Волга-Урал сайғок популяцисини сақлаш, қайта тиклаш ва
фойдаланиш бўйича Россия ва Қозоғистон ўртасида келишув
имзоланди

12

Қалмоғистонда сайғок ови тақиқланди

Қозоғистондаги янги табиат резервати иккинчи Серенгети
бўладиганга ўхшайди

ПРООН/ГЭФ лойиҳаси Россияда сайғок популяцисини
сақлаш учун куч сарфламоқда

Мақолалар

Альберт Салемгареев

Устюрт сайғок популяцисини ўрганиш ва сақлаш учун
йўлдошли передатчиклар қўлланиши.....

14

Энтони Дэнсер, Виктория Пинион ва бошқ. Ғарбий
Қозоғистонда сайғокқа теккан ўлат яширин сабабларининг
масофадан ва далага оид таҳлили.....

16

Джозеф В. Булл ва Александр Есипов Устюртда сайғоклар
овининг қадимги техникаси: аран қолдиклари.....

18

Эълонлар

2012 й. Сайғокни сақлаш бўйича Альянс кичик грантлар
дастурининг танловлари.....

Сайғок бўйича ҚМ бажарилиши бўйича SMS ишчи йиғилиши
ва Сайғокни сақлаш бўйича Альянснинг умумий йиллик

20

йиғилиши.....

20

Сайғокни сақлаш – ҳаётларининг иши

Б.Батсайхан, Мўғулистон.....

20

Охири (боши 1-бетда.)

схемасини амалга ошириш харажатлари ҳали ҳам Сайғокни сақлаш бўйича Альянс грантлари ҳисобига қопланапти. Даромад келишини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бозордаги талабни ошириш ҳисобига ошириш мумкин. Ҳозир тайёрланган маҳсулот Нукусдаги каштадўзлик маркази, Тошкентдаги дўконлар орқали ва WCN (Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш тармоқлари) кўргазмасида сотиляпти. Каштадўзликка ўқитиш дастурида иштирок этаётган аёллар, ҳозир сотилаётган нархидан қимматроқ турадиган турли юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаради, ва эҳтимол, кўпроқ фойда келтирадиган бозорлар мавжуддир, балки, Европа ва АҚШда.

Инфратузилма: Каштадўзликка ўқитиш схемаси уни амалда жорий қилиш ва *ишлашига* нисбатан кам харажатлар қилиниши туфайли ютади. Баҳолаш ўтказилиши пайтига, Қорақалпоқ посёлкасидаги марказ 20тага яқин каштачилар сиғиши мумкин бўлган хонага кўчган вақтда, Жаслик посёлкасидаги гуруҳ посёлка мактабининг дарс хонасидан фойдаланган.

Маҳаллий аҳоли кўникмалари ва мураккаблик: Бу унда схема яхши ишлайдиган яна бир жиҳат. Фаолиятнинг бу тури маданий анъаналарга тўлиқ мос келади, каштадўзлик эса – барча ёшдаги Ўзбекистон аёллари орасида оммабон машғулот. Каштадўзликка ўқитиш дастурида мураккабликнинг паст даражалари, чунки у деярли осон топиладиган материалларга боғлиқ, ҳамда маҳаллий аҳолининг билими ва маҳоратига асосланган.

Табиат муҳофазаси билан боғлиқлик: Ҳозирги вақтда каштадўзлик марказлари ўз ишига сайғокни сақлаш мақсадларини киритиш ва акс эттириш каби қийинроқ вазифалардан кўра, анъанавий маданият ва маҳаллий ўхшашликка кўпроқ эътибор қаратаётгандек кўринапти. Савол-жавоб қилинган каштачиларнинг фақат учтаси сайғокни браконьерларча овлаш қисқариши, бу схеманинг муҳим мақсадларидан бири деб кўрсатди ва уларнинг катта ёшли қариндошларидан биронтаси ҳам буни бу схема мавжудлигининг муҳим сабаби деб кўрсатмади. Респондентларнинг биронтаси ҳам иштирокчиларнинг оилалари учун молиявий фойда биринчи ўринли масала ҳисобланишини айтмади.

Эҳтимол, янада кўпроқ даражада эътиборни дастурнинг асосий мақсади – сайғокни сақлашга қаратиш мумкин эди.



1-жадвал. Альтернатива даромад манбаи сифатида каштадўзликка ўқитиш схемасининг маҳаллий аҳоли кўмагига асосланган табиат муҳофазаси соҳасидаги масалаларни муваффақиятли ечими белгиларига мослиги (эътибор талаб қиладиган аралашув соҳалари, қора ҳарфлар билан ажратилган)

Омил	Яхши истиқболлар	Ёмон истиқболлар	Каштадўзликка ўқитиш дастури
<i>Корхона</i>			
Даромад келтириши	Сарфлардан ошади	Сарфларни қопламайди	Сарфларни қопламайди
Бозордаги талаб	Ўртача	Жуда юқори ёки жуда паст	Жуда паст
Инфратузилма	Яхши	Ёмон	Қоникарли ва яхшиланаяпти
Маҳаллий аҳоли кўникмалари	Юқори	Паст	Юқори
Мураккаблик	Паст	Юқори	Паст
Табиат муҳофазаси билан боғлиқлик	Юқори	Паст (ёки англанилмайди)	Англанилмайди
<i>Фойда</i>			
Пуллик фойда	Ўртача	Жуда юқори ёки жуда паст	Жуда паст
Пулсиз фойда	Юқори	Чекланган	Юқори
Таксимланиш	Табиат муҳофазаси билан шуғулланадиганлар учун мўлжалланган	Жуда кенг / бошқа одамлар	Уй таъсирида бўлган аёлларни қамраб олмайди
<i>Лойиҳада қатнашаётган томонлар</i>			
Раҳбарият	Барқарорлашган ва ҳурматга сазовор бўлган	Мавжуд эмас ёки жуда қаттиқ	Барқарорлашган ва ҳурматга сазовор бўлган
Гуруҳнинг бир жинслилиги	Тўлиқ	Чекланган	Юқори
Низолар	Мавжуд эмас	Мавжуд	Мавжуд эмас
<i>Бошқалар</i>			
Лойиҳа доирасида ўзаро муносабат	Тажрибали ва мустаҳкам	Бошқача	Мустаҳкам

Жаслик посёлкасидаги каштадўзлик гуруҳининг, унда бир йил давомида шуғулланган, собиқ иштирокчиси, турмушга чиқишдан олдин, сўради: “*Аҳир Сайғокни сақлаш бўйича Альянс билан каштадўзлик ўртасида қандай алоқа, каштадўзлик сайғоққа қандай ёрдам беради?*” Каштадўзликка ўқитиш схемаси сайғокни сақлашга ишлаши учун муҳим биринчи кадам – бу дастурнинг мақсад ва вазифаларини янада аниқроқ тушунтириш.

Молиявий фойда: Маҳаллий бозор чекланганлиги натижасида, каштачилар томонидан олинадиган молиявий даромад ҳам чекланган. Қўлда тикилган кашта буюмлари кичик молиявий фойда келтирган ҳолда, кўп вақт сарфини талаб қилади.

- Мобил телефонлар учун ғилоф 2 000 сўм келтиради (~\$1), уларни тайёрлашга эса 1-2 кун кетади;
- Ҳамёнга ҳам 1-2 кун кетади ва 5 000 сўм келтиради (~\$2.5);
- Катгароқ “ҳаридлар учун сумкалар”га 10 кунгача кетади ва 10 000 сўмга сотилади (~\$6)


“Қизлар жуда кичик миқдордаги сумма, фақат озгина қўшимча нақд пул ишлаб топяпти”

Сайғоқ гўштини сотиб олишдан мол гўштига ўтиш харажатлари,

олинадиган гўшт сифатига кўра, бир ойда 36,000 сўмдан (~\$18) 84,000 сўмгачани (~\$42) ташкил қилади.

Бу ҳисоб-китоблар ўртача тўртта одамдан иборат бўлган оилалардан олинган маълумотлар асосида бажарилган. Бу тадқиқотнинг барча иштирокчилари оилаларининг ўртача сони - 5.5 одам, каштадўзликдан олинган ўртача қўшимча даромад эса бир ойда тахминан \$10 ташкил қилади. Шундай қилиб, бу схема иштирокчилари ҳозирги вақтда ишлаб топаётган пул, сайғоқ гўштини сотиб олишдан мол гўштига ўтиш учун етарли эмас.

Нотижорат фойда: Иштирокчилар каштадўзлик гуруҳларидаги машғулотларга ўта ижобий муносабатда бўлганлиги, унда иштирок этишдан мамнуллиги ва бу машғулотга эрмак сифатида қарагани жуда муҳим.



1-расм. Альтернатива даромад манбаларини таъминлаш стратегиясини амалга ошириш учун гипотетик сабаб-оқибат алоқалари



Жаслик пос. каштадўзлик гуруҳининг аъзолари кўлда кашта тикилган буюмлари билан.

“Агар гуруҳ катта бўлса, мен ҳар бир машғулотда 20 ўқувчи билан бир ҳафтада иккита машғулот ўтказишим мумкин. Мен бир ҳафтада беш кун бўйиман”.

Гуруҳнинг бир эсинслилиги ва низолар: ҳозирги вақтда каштадўзликка ўқитиш дастурида қатнашаётганлар, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан – дастурда қатнашиш, ҳам каштадўзлик кўникмаларига эга бўлиш учун каштадўзлик марказларида шуғулланиш ёқадиган, бир-бирига мос гуруҳни ташкил қилади. Чет ташкилотлар уларнинг посёлкасига қизиқиш билан қараш ва жуда муҳим лойиҳани амалга оширишга кўмаклашаётганини англаш маҳаллий аҳолини қувонтиради. Маҳаллий ривожланишни сиёсий қўллаб-қувватлаш ҳам мавжуд.


Лойиҳа доирасида ўзаро муносабат: Нукусдаги каштадўзлик маркази ва сайғокларни сақлаш билан шуғулланадиган олимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар узоқ муддатли бирлашмага айланди. Дастурда қатнашадиган барчанинг манфаати учун мустаҳкам ва узоқ муддатли ўзаро алоқаларни ривожлантириш мумкин эмас деб тахмин қилишга сабаб йўқ.

Дастурнинг молиявий томони эътибор талаб қилган ва унинг сайғокни сақлашга яширин таъсирини амалга оширишни таъминлаш учун кўпроқ куч сарфлаш лозим бўлган вақтда, ижобий белгилар ҳам мавжуд. Манфаатдор раҳбарият ҳамда унинг иштирокчилари олаётган завқ натижасида лойиҳа мустаҳкам пойдеворга эга бўлди. Бу мустаҳкам асосларда қурилишни давом эттириб, дастур Ўзбекистонда сайғокни сақлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Тақсимланиш: Кўпчилик каштачилар 18 ёшдан ёш ва улар ҳали ҳам мактабга боради. Собик каштачилар ўзларининг дастурдан чиқиб кетишига турмушга чиқиш оқибатида вақт етмаслиги муҳим сабаб бўлганини таъкидлади. Бу муаммо ҳисобланади, чунки Устюртда аёллар 20 ёшгача ёки 20 ёшдан кейин дарҳол турмушга чиқишга интилади. Ва фақат шундан кейин уларда оила бюджетини бошқариш ҳамда гўшт соғиб олиш ва ўз эркак-қариндошларининг машғулотиغا нисбатан қарор қабул қилиш айрим имконлари пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда иштирокчилар каштадўзлик дастурини, бу схема мақсадларига асосланадиган ҳаракатлар бошлаш имконини олган вақтда тарк этипти.

Шунингдек ҳаммадан кўп браконьерлик ови билан боғлиқ бўлган ҳамда кўшимча даромад олиш имконига кўпроқ эҳтимоллик билан жавоб беришга тайёр бўлган ночорроқ оилаларнинг бир нечта вакиллари бор. Қорақалпоқ пос. аҳолисига дастур тўғрисида кенг ахборот бериш таркиби бўйича ўрта ёшдаги аёлларни ҳамда камбағалроқ районлардан ва тахминан браконьерлик билан шуғулланадиган бир нечта оила яшайдиган жойлардан бўлган одамларни ўз ичига олган турлироқ гуруҳ яратилишига олиб келди.

Раҳбарият: Раҳбарият дастурнинг асосий таянчи ҳисобланади. Унинг раҳбарлари – сайғокни сақлашда манфаатдор, кучли ва аниқ мақсадга интилувчан инсонлар. Маҳаллий йўлбошчилар ўз гуруҳлари билан узвий алоқа ўрнатиб, дастурни кенгайтириш ва уни яшовчан бизнесга айлантиришга кучли қизиқиш билдирипти.



2-расм. Каштачилар ва уларнинг катта ёшли қариндошлари ўқитиш схемасининг асосий мақсадини қандай қабул қилади. Респондентлар бешта жавобдан бирини танлаши мумкин эди, жумладан “Оила учун кўшимча даромадни таъминлайди”; респондентларнинг биронтаси ҳам бу жавобни танламади.

Браконьерликка қарши кураш

Бақитбек Дуйсекеев, Ўрмон ва ов хўжалиги Қўмитасининг Ҳайвонот олами бошқармаси
Қозоғистон Республикаси ҚХВ, cites@minagri.kz

Қозоғистон Республикасида сайғоқлар яшаш ареалида 2012 йилнинг 10 ойида бу ҳайвонларни 24 отиш, шохларини сотиб олиш ёки сотиш ҳолати қайдланган, 131 танаси ва 5486 шохи топилди (асосан эски, ҳалок бўлган ҳайвонлардан, жойларда йиғилган).

Кўрсатилган фактлар, шунингдек электрон ва босма нашрда шох сотиб олиш тўғрисида эълонлар босилиши, республика ичида бу ноқонуний товарни сотиш бозори ва уларни чет элга контрабанда йўли билан олиб чиқиш мавжудлигидан далолат беради. Буларнинг барчаси давлат томонидан сайғоқни сақлаш бўйича кўрилатган чораларнинг самарасини пасайтиради.

Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 25 июл 2012 йилдаги 969-сонли Қарори билан сайғоқ, уларнинг қисмлари ва дериватларини ишлашиш Қозоғистон Республикасининг бутун ҳудудида 2020 йилгача тақиқ қилинди.

Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўрмон ва ов хўжалиги Қўмитаси Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Маъмурий полиция қўмитаси билан биргаликда Қозоғистон Республикаси Жиноий ва Маъмурий кодексларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритди.

Қонунчилик базасини кучайтириш натижасида 2012 йилда 18 жиноий иш кўзга тилиб, улар бўйича тергов ишлари ўтказилмоқда. Солиштириш учун: 2011 йилда ишлаб чиқаришда фақат 12 иш бўлган. Битта шундай факт бўйича, Қизилорда области Кармақшин район судининг ҳукми билан 19 июл ж.й., ноқонуний сайғоқ овлагани учун 2012 йил апрелда браконьерлар мос равишда 2,6 ва 2 йилга жазоланган. Бунда браконьерлик ови вақтида ишлатилган автомашина мусодара қилинган. Шунингдек, Актюбинск области Айтекебий район судининг 2012 йил 8 октябрдаги ҳукми билан, 63 сайғоқ отгани учун 2012 йил июнда 2 браконьер



Сайғоқлар сувлоқда.

ҚР ЖК 288 м. 3-қисми бўйича жазоланган ва жазони умумий режимдаги колонияда ўташ билан 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазоланганлардан 2 «Тойота Ланд Крузер» автомашинаси, милтиқлар ва бошқа жиноят қуроллари мусодара қилинган.

Табиатни сақлаш қонунчилиги бузилишининг олди олиниши ижтимоий жиҳатдан муҳимлигини ҳисобга олиб, ОАВда содир этилган жиноятлар учун тортилган жавобгарликни кўрсатган ҳолда, браконьерлик фактлари бўйича суд ишларини ёритиш зарур деб ўйлаймиз.

Таҳририятдан: бу материал босилгунича, матбуотдан, жумладан, улар натижасида жами 50 ноёб ҳайвонлар танаси олиб қўйилган янги профилактика чоралари доирасида сайғоққа браконьерлик овининг янги фактлари тўғрисида маълум бўлди.

«Степной» заказнигининг иш кунлари

Анатолий Хлуднев, «Степной» Давлат табиат заказниги, Астрахан области, Россия,
limstepnoi@mail.ru

«Степной» Давлат табиат заказнигининг ходимлари учун 2012 йил катта аҳамиятга эга бўлди. Заказникка 12 йил тўлди (2000 йилда Астрахан области Губернатори А.П.Гужвиннинг Қарори билан ташкил қилинган) ва биз шу йиллардаги ишимизнинг якунини чиқардик. Заказник командаси ўзини уйғунлашган, профессионал тайёргарлиги бор, браконьерликка қарши муросасиз кураш ҳамда сайғоқ ва бизга ишониб топширилган ҳудуднинг бошқа ҳайвонларини ҳимоялаш позицияларида турувчи жамоа сифатида кўрсатди. Биз томондан

ўтказиладиган браконьерликка қарши ишимиз заказник ҳудудига ноқонуний киришга уринишларни қисқартиради. Браконьерлар командамиз сайғоқни ўлдиришга йўл қўймаслигини билади.

Заказник ходимлари кўриқлашдан ташқари, ҳам Астрахан областида яшайдиган турли ёшдаги аҳоли, ҳам заказникка Россиянинг бошқа ҳудудларидан ва чет эл мамлакатларидан келадиган кўплаб ташриф буюрувчиларнинг экологик билими ва таълимига катта эътибор қаратади.



«Степной» командаси ва Э.Дж. Милнер-Гулланд
Заказник ҳудуди бўйлаб саёҳат вақтида.

Заказник чегараларида яшовчи фермерлар ва маҳаллий аҳоли билан қўриқлаш режимига риоя қилиш ва уни кучайтириш бўйича мунтазам машғулотлар ўтказилади. Бундай машғулот ва суҳбатлар ўз меваларини беради - бузилишлар заказник барпо бўлган биринчи йилларга нисбатан камроқ бўлади. Биз, уларнинг кўпчилиги бизнинг штатдан ташқари сайёқ кузатувчилари бўлган фермерлар билан дўстона ва ишчи муносабатлар ўрната одик.

Шу йиллар давомида заказник ходимлари Қалмоғистон Республикаси Табиат ресурслари ва атроф муҳит муҳофазаси вазирлиги ҳамда «Черные земли» қўриқхонасидаги ҳамкасблари билан биргаликда қўзилаш вақтида сайёқ тўдаларини қўриқлашда жуда фаол иштирок этмоқда. Мана 2012 йилнинг баҳорида ҳам биз, асосан заказник ҳудудида ўтган қўзилаш вақтида ҳеч кимга ҳайвонларни безовта қилишга бермадик.

АҚШ Балиқ ва ёввойи қушлар хизмати (USFWS) молиявий кўмагида Сайёқни сақлаш бўйича Альянс томонидан ташкил қилинган кичик грант лойиҳалари танловидаги ғолиблик биз учун бу йилнинг ўта муҳим ҳодисаси бўлди. Осон бўлмаган иқтисодий инқироз вақтида бундай ёрдам олиниши заказникнинг моддий-техник базаси яхшиланишига («Патриот» автомобили ва Судзуки мотоцикли сотиб олинди) ва браконьерликка қарши рейдлар сони ва сифатини оширишга кўмаклашди. Бу лойиҳа доирасида «Степной» заказникнинг табиати тўғрисида ёрқин буклет чиқарилиши



Фотосурати GEO

Анатолий Хлуднев мактаб ўқувчилари билан.

Бу йилда заказникка кўплаб меҳмонлар – сайёқлар, мухбирлар, олимлар ташриф бунорди. Айниқса, ишимизга юқори баҳо берган, умумий сони 1000 га яқин сайёқлар тўдасини ўз кўзи билан кўрган, шунингдек сайёқни сақлаш ва биз сайёқлар ҳамда заказникимиз дўстларига айлантиришга интилаётган маҳаллий аҳоли билан ишларни яхшилаш бўйича кейинги ишлар режасини биз билан муҳокама қилган Сайёқни сақлаш бўйича Альянс раҳбари проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд ташрифи биз учун жуда муҳим бўлди.

2012 йил июлда Zoo TV Телеканали Халқаро ҳайвонлар химояси фонди (IFAW) кўмагида «Степной» заказниги ҳудудида ва Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида сайёқлар ва уларга ғамхўрлик қилаётган инсонлар тўғрисидаги фильмнинг учта сериясини суратга олди (кейин. қар.). Фильм премьераси шу каналда октябр ойининг охирида бўлиб ўтди. 2012 йил августда эса журналнинг энг яқин сонларидан бирида заказник табиати, сайёқ, бизнинг ишимиз тўғрисида мақола босишни режалаштирган GEO журналининг фотосуратчиси ва муҳбири келиб кетди.

Ва ниҳоят, ареалнинг бошқа қисмларида бу ажойиб антилопани қўриқлайдиган ҳамкасбларимизнинг уринишларини тўлиқ қўллаб-қувватлашимизни таъкидламоқчи эдик. Ўзимиз томондан, биз Россия ҳудудида бу ноёб тур йўқолиб кетмаслиги учун қўлимиздан келган барчасини қиламиз.



Сайёқлар «Степной» заказнигида.

Сайғоқлар: кино учун ўйлаб топилмаган ҳикоя

Евгения Авраменко, Zoo TV Телеканал, avramenko@ltvch.ru

Zoo TV Канал «Биз гамжўрлик қиялпмиз» махсус лойиҳа доирасида ҳайвонлар ҳақида ўз хусусий фильмларини биринчи йил суратга олиши эмас. Халқаро ҳайвонлар ҳимояси фонди (IFAW) билан кўп йиллик ҳамкорлик туфайли, 2012 йил ёзда телеканал муҳбирлари учун ёввойи ҳайвонларни яна суратга тушириши имкони туғилди. Бу сафар суратга олиш гуруҳи Астрахан области ва Қалмоғистон чўлларида бўлиб, кам учрайдиган антилопа сайғоқларни кўришга муяссар бўлди. Бу сафаримизда олдинги съемкаларда текширилган командамизга IFAWдан, барча силжешларимизни уйғунлаштирган, бизни керакли одамлар билан таништирган, интервью берган ажойиб Елена Жаркова қўшилди.

«Степной» заказниги ва унинг қахрамонлари

Астраханда бизни «Степной» заказнигининг директори Анатолий Хлуднев кутиб олиб, чўлга олиб кетди. Бошқа экспедициялар мисолига кўра биз заказник ходимлари жойлашадиган доимий лагерни кўришга умид қилган эдик. Бироқ браконьерликка қарши команда, деярли, унда бир неча кун чўлда автоном яшаш учун зарур бўлган барча нарса бўлган ўз «жанговар» машиналарида яшайди.

Чўлдаги биринчи соатлардаёқ лагер учун жой қидириб, биз ўтда ҳаракатсиз қотиб қолган икки сайғоқчани чўчитиб юборай дедик. Сайғоқларни суратга олиш учун, биз тонг отгунча туриб, сувлоқда пистирмада ўтирар эдик. Бундай навбатчиликларнинг бирида биз тайёр бўлиб, саккиз соатдан кўп ўтирдик, бироқ мукофот ҳам олдик – артезиан булоққа ҳар соатдан кейин болали ургочилар келди. Кейинроқ саёхатимизни эслаб, биз энг ҳаяжонли пайт – бу тоқатсизлик билан кутиш деган фикрга келдик. Уфққа диққат билан тикилиб, ҳар бир онда мана ҳозир ўтда олтин тери ялт этишини кутганда. Титраётган сароб орасидан бирдан дурбинда яқинлашаётган нуқталарни кўрганда, бироқ сенга томон йўлда улар бошқа томонга бурилади ва яна чўлда кўздан йўқолганда. Сайғоқлар кутган томондан эмас, умуман бошқа томондан пайдо бўлиб, кутилмаганда камера олдида вужудга келганда.

Кечкурунлари биз Анатолий Хлуднев ҳамкасблари билан съемкани муҳокама қилдик, сайғоқ ҳақида узун ва унча қувноқ бўлмаган ҳикояни тинглаб, бу ҳикояда сайғоқ билан одам тақдирлари аллақачон бир-бирига боғланиб кетганини тушундик. Анатолий Хлуднев – жуда яхши инсон, фақат мажбуриятлар рўйхатига эга директор эмас, балки ҳақиқий заказник хўжайини. Унинг учун бу табиат, бу ер ва мамлакат кадрли, қирилиб кетаётган сайғоқлар ва шу сайғоқлар учун курашаётган инсонлар кадрли. Унинг командаси – энг мохир мутахассислар ва, чўл йўлсизликларида браконьерларни қувлаб, ҳар куни ўз ҳаётларини хавф остига қўядиган мутлақ альтруистлар. Бу фидокор, баъзан қахрамонларча иш ҳеч нарса билан – пул билан ҳам, тегишли

шароит билан ҳам, давлат мукофотлари билан ҳам қувватланмайди. Нима учун бу инсонлар ҳар куни чўлда патруллик қилишни давом этмоқда? Улар қандай қилиб имконият ва молиялаштириш манбаларини топяпти? Қандай қилиб улар ўзини браконьерликдан тўхтатиб қоляпти? Мен жавобини фақат битта нарсада кўряпман: бу моҳирона аниқ танланган профессионаллар ва, янада муҳимроғи, муносиб, лоқайд бўлмаган инсонлар командаси.

Сайғоқлар кўрикланадиган худуддалигида улар хавфсизликда эканини биламиз. Афсуски, улар ҳамма вақт кўчиб юради, ва уларга ҳеч ким тегмайдиган жойда қолишни истамайди. Ахир, сайғоқлар «Степной» заказнигидан ташқарига чиқиши билан, браконьерлар дарҳол мотоциклларига ўт олдириши аниқ-ку ...

Қалмоғистон ва чўл руҳлари

Чўл палаткали лагердан биз бошқа – қалмоқ чўлларига кўчдик. Бу ерда, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида биз фильмимиз учун етмаётган ва жуда муҳим кадрлар – йирик план, сайғоқ кўзлари, уларнинг ажойиб бурунлари, тилларанг орқасини суратга олдик. Атайин биз учун Марказ ходимлари, эрталаб сайғоқлар сувни кутиб, вольер сетка-сига келиши учун тунда сувни тўсиб қўйди. Бу ажойиб контраст – аввал сайғоқларни уларнинг табиий муҳитида кузатиш, ҳар бир қимматли кадрни тутиш, сувлоққа келган ҳар бир янги ҳайвон билан учрашувга қувониш – сўнг эса унинг кўзларини ва терисидаги ҳар бир доғини кўриш мумкин бўлган яқинликда бўлиб қолиш.

Марказ директори, Юрий Арилов, сайғоқлар ҳақида «Степной» заказнигидаги ҳамкасблари каби берилиб гапирди. Чунки у – фан одами, биз фақат сайғоқ ҳақидаги қизик фактларни ёзиш ва эслаб қолишга зўрға улгурамиз. Шу билан бирга унинг ҳикояларида меҳр ва қандайдир асрлар давомида барпо бўлган қалмикнинг сайғоққа бўлган ҳурмати сезилиб туради. Албатта, республикада гуркираётган браконьерликка қараганда, барча қалмиқлар ҳам чўл руҳи, Оқ Қарияга, улар сайғоқни ҳимоя қилиб, одамларга уни асрашни буюришига ишонмайди. Бироқ кўп одамларда бу ишонч пинҳона мавжуд. Марказ ходимлари сайғоқларга оддий уй ҳайвонига каби қарайди, ва мамонтлардан кўп яшаган реликт антилопалар озукали челақ кўтарган одами



Zoo TV суратга олиш гуруҳи «Степной» заказниги ва IFAW ходимлари билан.

кидириб, бўйинларини таъсирли чўзишини кузатиш кизиқ. Бунда Юрий Арилов ва ҳамкасбларининг меҳнати билан яратилган бу ноёб популяция, эҳтимол – европа сайғоқ популяцияси учун тирик қолишнинг ягона имкони деган фикр миямизда ҳамма вақт айланади.

Элистада, учишдан олдинги сўнги кунларда, биз сайғоқ реал, ҳақиқий хавф остидалигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиб, столбалардан «Сайғоқнинг эски шохларини сотиб оламан» деган эълонларни юлиб ташлаймиз. Уйда мен суратга олинган кадрларни кўриб чиқаман ва вақти-вақти билан Оқ Қария хайкалчасига қараб, фильм сценарийсини ёзаман. Мен сайғоқ хикоясини яна бошдан кечираман, мен чўллар руҳи барибир мавжудлигига ва у ўз севимли ҳайвонини ҳимоялашига ишонгим келади. Ҳозирча эса сайғоқни ҳимоялаб, браконьерлар билан, ҳуқуқни ҳимоялаш органлари билан, давлат билан, вазиятлар билан ҳақиқатдан курашаётган инсонлар кучи имкон қадар кўп бўлсин. Мен Zoo TV каналининг «Сайғоқлар: қўлдан чиқаётган гўзаллик» фильми ажойиб сайғоқларнинг тирик қолиши учун курашда ёрдам беришига ишонгим келяпти.



Ёввойи ҳайвонлар марказида сайғоқларни озиқлантириш.

Батафсилроқ ишимиз тўғрисида <http://telezoo.tv/> сайтда ўқинг, шунингдек фильмимизнинг барча серияларини <http://telezoo.tv/anonsy/item/189-film-saygaki-uskolzayuschaya-krasota> да томоша қилинг.

Устюртда (Қозоғистон) аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича Медиа кампания

Гульмира Изимбергенова, АСБК, gizimbergen@mail.ru

«Устюрт экотизимларини сақлаш ташаббуси» лойиҳаси аҳоли хабардорлигига катта эътибор қаратади. 2012 йилда қозоқ ва рус тилларида «Сайғоқни сақлаймиз» ижтимоий ролик ишлаб чиқилди, «Биз сайғоқларни ҳали қутқара оламиз!» плакати чиқди, қозоқ тилида «Сайғоқ ҳақидаги сага» комикси нашр қилинишига ёрдам берилди, шунингдек кўп давлат ташкилотлари кўмагида Актюбинск областининг икки трассасида сайғоқ яшайдиган жой яқинида билбордлар осилди.

«Сайғоқни сақлаймиз» ижтимоий роликнинг икки варианты яратилди: ярим минутли ролик турли тадбирлар вақтида кенг доирадаги томошабинларга кўрсатишга мўлжалланган. «Қисқа»роқ, 30-секундли вариант ҚР ҚХВ Ўрмон ва ов хўжалиги кўмитасининг



Ижтимоий ролик кадрлари.

тавсиясидан кейин телевизион каналларда намойиш этиш учун ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда ролик «Интерньюс-Қазақстан» агентлигининг ҳудудий каналларида ва «Рика-ТВ» (Ақтобе ш., Қозоғистон) тижорат каналида намойиш этилмоқда. 2012 й. октябр ойи давомида роликни «Ақтобе-Қазақстан» каналига эга бўлган минглаб одамлар ҳам кўра олди. «Қазақстан» телерадиокомпанияси ҳудудий филиалининг раҳбарияти област акимати Ички сиёсат бошқармаси кўмагида ушбу ижтимоий роликнинг бепул прокати тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, ОБСЕ-Астана кўмагида ролик оммавий намойиш қилиш учун ҳудудий Орхус марказларига Ақтау, Атирау, Караганда, Шимкент ва Павлодар шаҳарларига юборилди. Ролик Шалқара ш. 3-сонли ЎМ қошидаги «Ақбoken» экоклубида ва Актюбинск области Байганин райони Оймаут кишлоғининг мактаби қошидаги «Жез Киик» болалар клубида намойиш қилинапти.

«Биз сайғоқларни ҳали қутқара оламиз!» плакати Ўрмон ва ов хўжалиги кўмитасининг (ЎОХҚ) бевосита ҳамкорлигида ишлаб чиқилди. Унда миллий қонунчиликнинг сўнги ўзгаришлари акс этган (юкор. қар.). Плакатлар Актюбинск областининг кўп мактаб ва акиматларига тарқатилди, ПО «Охотзоопром» филиаллари, Ҳудудий инспекциялар, кутубхоналар, меҳмонхоналар, дўконлар, халқаро ташкилотлар ва Элчихона ваколатхоналарига топширилди. Яқин орада ЎОХҚ бевосита кўмагида Астана ва Ақтобе шаҳарларининг аэропорт ва темир йўл станцияларида визуал тарқатувчиларда плакатларни тарқатиш бўйича тўлиқ масштабли кампания бошланапти.

ЎОХҚ таклифи бўйича Анимастер студиясининг «Сайғоқ ҳақидаги сага» комиксини қозоқ тилида нашр қилинишига кўмаклашиш тўғрисида

қарор қабул қилинди. Муаллиф Махсут Жаримбетов билан биргаликда ушбу нашрни чиқариш ва тарқатиш бўйича катта иш қилинди. Бу нашр ҳам НАБУ, АСС ва АСБК томонидан қўллаб-қувватланди. Рангли нашр айниқса болалар ўртасида машхур. Комикслар 2012 й. ноябр ойида «Урбан садолари» хайрия концертини ўтказиш вақтида Астана ш. болалар уйларига тарқатилган.

Ҳозирги вақтда Ақтюбинск областининг: Алгин ва Хромтау трассаларида ҳар бир ҳайдовчи ва пиёдага сайғоқлар йўқолиб кетиши хавфи тўғрисида эслатиб турувчи сайғоқчали билбордлар ўрнатилди. Ақтюбинск ҳудудий инспекцияси, Табиат ресурслари ва табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бошқармаси ҳамда Ақтюбинск области акиматининг иштироки туфайли бунга имкон туғилди.



Устюрт экотизимини сақлаш ташаббуси доирасида ишлаб чиқилган плакат.



А. Сафаровнинг сурати

Болалар «Сайғоқ ҳақидаги сага» комиксларини томоша қилмоқда.

«Устюрт экотизимларини сақлаш ташаббуси» лойиҳасининг ахборот-тарғибот компоненти шунинг ўзида тўхтамоқчи эмас. Режаларда: журналистлар билан интервью, теле- ва радиоқўрсатувлар, мактаб ва университетлар билан ишлаш, шунингдек умуман сайғоқни сақлаш масалаларида фуқаролар хабардорлигини ошириш бўйича кейинги ишлар.

«Устюрт экотизимларини сақлаш ташаббуси» USAID Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги томонидан тақдим этилган Америка халқи / «Устувор экотизимларда табиат муҳофазаси барқарор ёндашувлари» Дастури (SCAPES), Дарвин Ташаббуси (Буюк Британия) ва Дисней Умумжаҳон табиат муҳофазаси фондининг молиявий кўмагисиз мавжуд бўлмас эди.

Сайғоқ катта экранга чиқмоқда

Елена Бикова, esipov@xnet.uz, ва Севара Шарипова, sevara.sharapova@undp.org

Сўнгги ўн йилликларда дунёдаги сайғоқлар сони 95% дан кўпга қисқарди, бу эса сут эмизувчилар орасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистонда сайғоқлар ҳар қишда келадиган ягона жой - бу Устюрт платоси. 2008 йилда бу ҳайвонларни химоялаш мақсадида улар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган тур сифатида киритилган. Шундан буён мамлакатда бу ҳайвонларни химоялаш учун чоралар кўрилмоқда. Бу масалада, Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс буюртмасига кўра «Пингвин» клуби, «Дисней-Канада» Фонди, ПРООН/ГЭФ лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Давтабиатқўм кўмагида GALA-FILM Студиясида сайғоқча ҳақида олинган «Чўл эртаги» мультфильмининг яратилиши аҳоли хабардорлигини оширувчи чоралардан бири бўлди.

Мультфильм таъсирлироқ чиқиши учун уни болаларнинг ўзлари тайёрлаши керак деган қарор қабул



А.Есимов сурати

Тошкент ш. Сергели тумани «Баркамол авлод» студияси болалари ва муаллими Сайфиддин Икрамов мультфильм учун расмлар билан.

қилинди. Мультфильм икки элементдан иборат: анимация ва болалар ўйинлари. Анимация учун Сергели туманининг «Баркамол авлод» ва «Янги авлод форуми» марказларининг бадиий студиялари, Қорақалпоқистоннинг Кўнғрод тумани, Жаслик пос. 15-сонли мусика ва санъат болалар мактаби ва 54-сонли мактаб болаларининг расмларидан фойдаланилди,



Мультифильмдан кадр.

мультифильмдаги ролларни эса сайғоқлар яшайдиган Устюрт платосида жойлашган Қирқ-қиз посёлкасининг болалари ижро этди. «Мультипликацион фильм – ўзгача, ўзига ҳос ва ўта мураккаб нарсаси, – дейди сценарий муаллифи Евгений Палехов, - Ғоя болалар расмининг «қоришмаси»дан иборат эди. Яъни ҳар бир бола ҳикоянинг айрим қисмини чизди. Ахир болалар нафақат турлича расм чизади, балки турлича фикрлайди ҳам».

Томошабинларнинг кенгрок аудиториясини камраб олиш учун мультифильм учта – ўзбек, рус ва инглиз тилда яратилди. Мультифильмга овоз беришда Тошкент ш. мактаблари ва Тошкент халқаро мактабининг болалари иштирок этди. Болалар ишни зўр бажариб, бир вақтнинг ўзида сайғоқ ҳақидаги ўз билимларини тўлдирди. Қизларнинг бири - Майя Лайтинен айтганидек, бу лойиҳада қатнашиш уларга қизиқ бўлган ва улар мультифильм сайғоқни сақлашга ёрдам беришига ишонади.

Бизнинг фикримизча, воқеалари ўзига тортадиган ва бахтли яқун топган яхлит, жуда илиқ ҳикоя чикқан. Унда болалар юрагининг илиқлиги ва уларнинг кичик чўл антилопасини қутқаришга ишончи акс этган. «Чўл эртаги» мультифильмининг премьераси 15 мартда Тошкентда ўтди.

Батафсилроқ <http://www.un.uz/ru/news/208.html>, <http://kultura.uz/home/29-news/3872-prezmult.html>, <http://www.youtube.com/user/SaigaConservation> да мультифильмни кўриш мумкин.

Учта тилдаги мультифильмни DVD олиш учун, илтимос, Елена Бикова, Севара Шаранова ва Галина Виноградовага мурожаат қилинг, gala.film.v@gmail.com.

Янги бадий-адабий экологик лойиҳа Ўзбекистонда муваффақият билан ўтди

Елена Бикова, esipov@xnet.uz

Сайғоқлар тақдири бугун бутун одамзодни ҳаяжонлантиради ва ташвишлантиради. Ер юзидаги энг қадимги сут эмизувчилардан бири ҳалокат ёқасида турибди. Чўл антилопаларининг ўзгача ҳикояси, уларнинг ҳозирги фожиавий тақдири, экологларнинг илмий экспедиция натижалари тўғрисидаги ҳикоялари, Ўзбекистонда бутун дунёда сайғоқни сақлаш бўйича олиб борилаётган иш, илмий мақолалар, ҳужжатли фильмлар ва шахсий кузатувлар шоир Раим Фарходийни кичик сайғоқча саргузаштлари тўғрисида «Қизил китобдаги сайғоқча» китобини ёзишга илҳомлантирди. Шоир ва журналист Ахмад Хўжа эса шеърларни рус тилидан ўзбек тилига ўғирди. «Янги Авлод Форуми» Болалар ижоди марказининг расм ва педагоги Каринэ Кургина ўзгача ва жуда илиқ расмлар чизди.



Каринэ Кургина томонидан Раим Фарходий китобига чизилган расмлар.



Каринэ Кургина ўз шогирдлари билан.

Бу халқаро бадий-адабий экологик лойиҳа «Пингвин» клуби, «Дисней-Канада» Фонди кўмагида Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс ва «Родничок» болалар экожурнали, Тошкент шахрининг болалар изостудиялари, «ВАХТКЕЛ» ИИЧБ экология, маданият ва соғлом турмуш тарзи иштирокида ўтказилди. Раим Фарходий поэма мисраларини ёш табиат ҳимоячилари ва педагогларга ўқиб берганида, истеъдодли болаларимизнинг табиатни сақлашда фаол иштирок этиш истаги қанчалик кучли эканлигига ишонч ҳосил қилганини эътироф қилди. Китоб рус ва ўзбек тилларида чоп этилган. Кўшимча ахборот ва китобнинг бепул нусхаларини олиш учун, илтимос, Елена Биковага мурожаат қилинг.

Мўғулистон ва Хитойнинг ғарбий районларида сайғоқ дериватлари трансчегара савдосининг олдини олиш

Б. Баткуяг, Б. Чимеддорж, chimeddorj@wwf.mn

Браконьерлик ови ва сайғоқ шохининг ноқонуний савдоси Мўғулистонда ҳали ҳам учрайди. Яқинда ўтказилган тадқиқотларга кўра, Хитойда сайғоқ шохларининг ҳар йиллик истеъмоли тахминан 9 000 кг ташкил қилади, сайғоқ шохига бўлган талаб эса ҳали ҳам юкори (TRAFFIC ҳисоботи, 2010), бу эса ҳам сайғоқ шохларининг Қозоғистондан реэкспорт қилинишига, ҳам мўғул сайғоқ шохларининг Хитойдан контрабанда қилинишига имкон туғдирмоқда. Мамлакатда ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар ноқонуний савдосини қискартириш ва бартараф этишга қаратилган фаолиятда, давлат чегара пунктларида иш юритадиган чегара ва божхона хизматлари ва махсус назорат органлари муҳим роль ўйнайди. Чегара яқинида ишлайдиган полиция ходимлари, табиат муҳофазаси инспекторлари ва егерларнинг ўрни ва яқин ҳамкорлиги жуда муҳим. Шунинг учун WWF Мўғулистон офиси Мўғулистон ва Хитой ўртасидаги трансчегара ҳудудда сайғоқ шохи савдоси назоратининг халқаро координация механизмини яратиш бўйича лойиҳани амалга оширишни таклиф қилди. Бу лойиҳа АҚШ Балик ва ёввойи қушлар хизматининг молиявий кўмагида Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс орқали 2011 й. ноябрдан 2012 й. ноябргача амалга оширилиб, Кўчиб юрвчи турлар бўйича Конвенция Сайғоқни сақлаш бўйича ўзаро ҳамжихатлик тўғрисидаги Меморандум (ХМ) Ўрта муддатли халқаро ишчи дастурни амалга оширишга катта ҳисса қўшди. Лойиҳани бажариш борасида сайғоқ бўйича ХМ халқаро координация механизмини яратиш, сайғоқ маҳсулотлари бизнесини аниқлаш ва ноқонуний савдога қарши курашиш усулларини топиш бўйича СИТЕС доирасида халқаро ҳамкорлик каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳанинг қуйидаги мақсадлари шакллантирилди:

- Давлат органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар савдоси масалалари бўйича Мўғулистон ва Хитой ўртасида алоқалар ўрнатиш;

- Сайғоқ дериватлари ноқонуний савдосининг самарали назорати учун устувор чегара пунктларида Божхона инспекторлари ва бошқа ходимлар штатини кенгайтириш;
- Сайғоқ ва унинг дериватларига тегишли халқаро ва миллий қонунчилик масалалари бўйича ҳамма тушунадиган ахборотни кенгайтириш.

Лойиҳанинг энг муҳим ютуқлари:

1) Мўғулистон атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ривожланиш вазирлиги ҳамда Хитой атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида 2012 й. декабрда ҳукумат қўшма йиғилишида Ҳамжихатлик меморандуми имзоланди. Вазирликлар ўртасидаги меморандумда сайғоқ биринчи ўринга чиқарилмаган, бироқ атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни сақлаш, ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича трансчегара ҳамкорликдан иборат бўлган ҳамкорликнинг иккита соҳаси акс эттирилган. Қатнашаётган томонлар лойиҳага кенг, ҳам молиявий, ҳам техник ёрдам кўрсатди. WWF Мўғулистон, СИТЕС Хитой ва Мўғулистон маъмурий органлари ишнинг катта қисмини, жумладан инфляция туғдирган барча қўшимча ҳаражатларни биргаликда молиялаштирди ва шунингдек таълим олган иштирокчиларнинг сонини оширди.

2) Қўшма координацион кенгашда (28-29 март 2012 й., Пекин, Хитой) қабул қилинган қарор асосида СИТЕС Хитой ва Мўғулистон маъмурий органлари WWF билан биргаликда 2012 й. 6 ноябрдан 9 ноябргача Урумчи ш. (Хитой) ўқув курсини ташкил қилди, унда қонунни ҳимоя қилиш органларининг 50дан ортиқ ходими иштирок этди. Бу ўқишнинг натижалари масалан, бугунги кунда ва 12 ойдан кейин ноқонуний фаолият ҳолатларининг аниқланган сонини солиштириш йўли билан баҳоланади. Иштирокчилар бир бирига ёввойи табиат соҳасидаги жиноятлар билан курашишга тегишли имкониятларни ўстириш ва таълим олиш бўйича материаллар, жумладан икки томонлама қизиқишга эга бўлган бундай жиноятларни судда кўриш усуллари бўйича мавжуд бўлган маълумотлар ва материалларни тақдим этишга келишди;



Хитой, Урумчида Мўғулистон ва Хитой қўшма тренингининг иштирокчилари.

Маблағ ва тегишли ресурсларнинг мавжудлигига қараб, биргаликда тренинглар ишлаб чиқиш ва ўтказиш; ҳар кунлик ишига зарур бўлган икки томонлама ва муассасалараро ҳамкорликни, ҳамда биргаликдаги фаолиятни кенгайтириш. Қонунни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг таълим олиши фақат уларнинг малакасини ошириб қолмай, балки чегара пунктлари ва очиқ бозорларда ҳамкорлигини ҳам мустаҳкамлади.

3) Лойиҳа командаси икки (мўғул ва хитой) тилдаги нашр (плакат ва варақалар) учун материаллар ишлаб чиқди, уларнинг мақсади аҳоли орасида билим даражаси ва эътибор марказидаги аудиториянинг муносабатини ўрганиш йўли билан аниқланган информацион бўшлиқни тўлдириш. Материаллар сайёғкни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ва миллий қонунчилик, ҳамда инсон сайёғ ва сайёғ дериватларининг ноқонуний савдосига аралашган ҳолда улардан келиб чиқадиган суд таъкиби тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Шунингдек плакатда ноқонуний ҳаракатлар содир бўлганда, боғланиш керак бўлган одамларнинг контакт маълумотлари келтирилган. Плакатлар сайёғ қашайдиган районлар аҳолиси орасида ва Мўғулистон ва Хитой ўртасидаги учта асосий чегара пунктларида тарқатилади.

Лойиҳа командаси АҚШ балиқ ва ёввойи қушлар хизматиға молиялаштириши учун, Сайёғкни сақлаш бўйича Альянсга – лойиҳанинг маъмурий қузатуви учун миннатдорчилик билдиради. Биз CITES Мўғулистон маъмурий органи, ж-б Энхбат Дончинб ва ж-б



Плакат против незаконной торговли продуктами живой природы.

Батболд Дорджгурхемга, CITES Хитой маъмурий органи, ж-б Мен Сяньлинь ва ж-б Лю Сяопинга, икки томонлама битим лойиҳасини тузишга ва биргаликда семинар, ўқиш ўтказишга қўшган муҳим ҳиссаси, ҳамда ташкилий ёрдами учун ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Шунингдек икки давлатнинг тегишли қонунни ҳимоя қилиш органлари, муассасалари ва жамиятларига ҳам, уларнинг фаол иштироки, ахборот алмашинуви, трансчегара районларда ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар ноқонуний савдоси билан курашиш бўйича келажакдаги иш учун муҳим мулоҳаза ва тавсиялари учун миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Матбуотдан

Россия ва Қозоғистон ўртасида Волга-Урал сайёғ популяциясини сақлаш, қайта тиклаш ва ундан фойдаланиш бўйича Россия ва Қозоғистон ўртасида келишув имзоланди

Россия Федерацияси табиий ресурслар ва экология вазири Сергей Донской ва Қозоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Асилджан Мамитбеков Волга-Урал сайёғ популяциясини муҳофаза қилиш, тиклаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида муассасалараро келишувини имзолади. Хужжат 2012 й. 19 сентябрда Павлодар ш. (Қозоғистон) IX Россия ва Қозоғистон регионлараро ҳамкорлик Форумида имзоланди.

Битим, агарда Томонларнинг бирортаси уни тўхтатишни хоҳламаса, кейинги беш йиллик даврларга автомат равишда узайтирилиши билан беш йилга тузилган. Битим билан сайёғларнинг аниқ ҳудудларга бориш даврийлигини баҳолаш бўйича биргаликдаги ишлар, маршрутларнинг йўналиши ва узунлигини аниқлаш, ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ва уларнинг чегарага туташган районларда силжишини қузатиш усулларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ушбу тадқиқотлар сайёғларни муҳофаза қилиш ва тиклаш бўйича амалий тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилади. Томонлар шунингдек ноёб ҳайвонларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунбузарликларни олдини олиш ва улар билан курашиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Батафсил

<http://www.priroda.ru/news/detail.php?ID=10674> ва <http://savesteppe.org/ru/archives/9560> да.



Сайёғлар подаси сувлоқда.

Қалмоғистонда сайғоқ ови тақиқланди

Қалмоғистонда 2020 йил 31 декабригача сайғоқ ови тақиқланди. Шу муддатга сайғоқлардан олинган дериватларнинг айланиши, жумладан уларнинг шохини йиғиш, тайёрлаш, сотиб олиш ёки сотиш ҳам тақиқланди. IFAW Халқаро ҳайвонларни ҳимоя қилиш фондининг Россия вакилликнинг маълумотлари бўйича сайғоқларнинг сони охириги ўн йил ичида 90 фоиздан кўпга қисқарган. Европа сайғоғи популяциясининг эркакларини браконьерларча отилиши сабабли кескин қисқариши ва бунинг натижасида популяциянинг тўлиқ тикланишига имкон йўқлиги кузатилади.

Батафсилроқ

http://www.elista.org/index.php?option=com_content&view=article&id=16761:2013-02-19-07-33-54&catid=1 да.



фото МСУ РК

Қозоғистондаги янги табиий резерват иккинчи Серенгети бўладиганга ўхшайди

ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўрмон ва ов хўжаликлари қўмитаси томонидан Марказий Қозоғистон чўл ва дашт экотизимларининг ноёб биохилма-хиллигини сақлаб қолиш учун 489 766 гектар умумий майдонда “Алтин Дала” 27-чи Давлат табиий резервати тузилди. Резерват Костанай области Жангелди ва Амангелди районларининг ерларида жойлашган. Унинг ҳудудига бетпақдала сайғоқ популяциясининг асосий яшаш, миграция ва қўзилаш жойлари киритилган. Резерват флораси 370дан ортиқ турдан иборат бўлиб, уларнинг 23си кам учрайдиган ҳисобланади. Умуртқали ҳайвонлар фаунаси сут эмизувчиларнинг 57 тури, қушларнинг 275 тури, рептилияларнинг 11 тури, амфибияларнинг 4 тури ва баликларнинг 9 туридан иборат. Шунингдек резерват ҳудудида иккита ноёб туёқдилар: Пржевальский оти ва куланнинг реинтродукцияси бўйича дастур ўтказилиши режалаштирилган. *Батафсилроқ:*

<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1133168071&chapter=1153564826>, <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1351851360> да.

ПРООН/ГЭФ/РФ ТРваЭВ лойихаси Россияда сайғоқ популяциясини сақлаш учун куч сарфламоқда

ПРООН/ГЭФ ва РФ Табиий ресурслар ва экология вазирлигининг “Россия дашт биотида АҚТХ бошқариш тизими ва механизмларини такомиллаштириш” лойихаси 2013 йилда алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини кенгайтиришга ёрдамлашишни мўлжаллаган. Жумладан, Қалмоғистонда Астрахань – Яшкўл, Яшкўл – Комсомольск, Комсомольск - Улан-Хол автомобил йўллари билан чегараланган участкада сайғоқлар учун махсус регионал заказник тузиш учун ҳужжатларни тайёрлаш режалаштирилган. Регионал ҳукумат матбуот хизматининг маълумоти бўйича бугунги кунда чўл антилопаларининг 95%га яқин сони ушбу ҳудудда яшайди. Махсус заказникнинг яратилиши, республика маъмурларининг фикрича, Қалмоғистонда сайғоқ популяциясини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга жиддий равишда ёрдам беради. Бугунги кунда регионда уларнинг сони тахминан 7 минг бошдан иборат. Бундан ташқари, регионал ҳукумат томонидан Қалмоғистон ва Астрахан областида сайғоқларни муҳофаза қилиш махсус отрядини тузиш масаласи кўрилмоқда. Сони 30 кишидан кам бўлмаган отряднинг таъминоти ва тегишли моддий-техник жиҳозланишига республика федерал субвенцияларни қаратиш режалаштирилган. Россия дашт лойихасининг раҳбари Евгений Кузнецовнинг фикрича: “Ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ташкилот ёки фондлар энди ёрдам бера олмайди. Агарда ҳеч нарса қилинмаса сайғоқлар кўпи билан яна беш йил сақланиб қолади. Федерал дастур керак, акс ҳолда биз бу турни йўқотамиз ва бу давлатимиз учун иснод бўлади. Бизда фақат Астрахан ёки Волгоград областларига Қозоғистондан кириб келадиган сайғоқлар қолади”.

Батафсилроқ

<http://ria.ru/eco/20130115/918201332.html>,

<http://ria.ru/eco/20130111/917751624.html>,

<http://ria.ru/eco/20130111/917751624.html> да.



Зоо ТВ телеканали архивдан олинган сурат

Мақолалар

Устюрт сайғоқ популяциясини ўрганиш ва сақлаш учун йўлдошли передатчиклар қўлланиши

Альберт Салемгареев

АСБК, albert.salemgareev@acbk.kz

2012 йил кузда АСБК мутахассислари томонидан “Устюрт платоси экотизимларини сақлаш ташаббуси” лойиҳаси доирасида устюрт сайғоқ популяцияси миграциясини ўрганиш учун йўлдошли передатчиклардан фойдаланиш бўйича тажриба давом эттирилди. Қўшимча 5та бўйинбоғ ўрнатилди ва ҳозирги вақтда ушбу популяцияда 9та бўйинбоғ ишлаб, сайғоқларнинг силжиши тўғрисида сигнал бермоқда.

Устюрт сайғоқ популяцияси – Қозоғистонда энг кам сонлиги, бугунги кунда унда атиги 6,5 минг зот мавжуд (авиаҳисобга олиш маълумотлари бўйича, экстраполяцияни ҳисобга олиш билан; *SN-15 кўр.*). Ушбу популяция ҳайвонлари Қозоғистонда учрагани каби, улар кишки даврда миграция қиладиган Устюрт платосининг Қорақалпоқ қисмида ҳам учрайди. Сайғоқларга хос бўлган мавсумий миграцияларнинг узоклиги табиий шароитларга боғлиқ, аммо бугунги кунгача уларнинг давомийлигини шубҳасиз аниқлаш имкони бўлмаган эди, йўлдошли бўйинбоғларнинг қўлланиши бунга имкон берди.


“Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси” Республика жамоа бирлашмаси (РОО “АСБК) “Устюрт платоси экотизимини сақлаш ташаббуси” (USAID/SCAPES/FFI) лойиҳаси доирасида сайғоқларнинг йўлдошли мониторинги бўйича ишни 2011 й. сентябр ойида бошлади. Биз 10та GPS Plus collars (*Vectronic-Aerospace*) бўйинбоғ ўрнатдик. Ушбу тажрибанинг вазифалари қишлаш ва қўзилаш жойлари, миграция йўллари ва устюрт сайғоқ популяциясининг бир қатор биологик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек ҳайвонларнинг силжиши тўғрисидаги маълумотларни қўллаш туфайли унинг муҳофазаси самарадорлигини кучайтиришдан иборат эди. Бўйинбоғлар фақат урғочиларга (3-4 ёшдан катта бўлмаган) ўрнатилди, чунки урғочиларда эркакларга нисбатан омон қолиш имконияти катта. Эркаклар кўпинча куйикиш даврида ва ундан кейин ўлади, чунки жуда кўп куч йўқотади ва деярли озикланмайди, бунинг натижасида йиртқичлар учун енгил ўлжа бўлади ёки браконьерлар қўлидан нобуд бўлади.



А. Салемгареев сурати

Йўлдошли передатчикли сайғоқ урғочиси.

10та урғочи сайғоқдан олтитасининг передатчиклари 1-5 хафтадан кейин силжиш тўғрисида сигнал беришни тўхтатди. Йил давомида бундай сигналлар 4та белгиланган урғочидан келиб турди. Жами кузатиш даврида (2011 й. октябр – 2012 й. октябр) улардан бир суткада учта позиция билан белгиланган 4152та турган жойи тўғрисида маълумот олинди. Тўртта бўйинбоғнинг ҳар бири учун муваффақиятли локацияларнинг улуши мос равишда 96,8%, 97,1%, 97% ва 86,3%ни ташкил этди. Яшаш участкаларининг фазовий тузилиши ва сайғоқларнинг силжиши тўғрисидаги маълумотларга GPS Plus ва ArcGIS (ESRI) дастурлар ёрдамида ишлов берилди. Йўлдошли мониторинг натижалари бўйича сайғоқларнинг ёзги ва кишки турар жойлари, қўзилаш ва куйикиш жойлари бўйича маълумотларни ўзига олган, сайғоқларнинг тарқалиш харитаси тузилди.




1-расм. Минимал бўртма қўпбурчаклик усули билан белгиланган сайғоқларнинг йил давомида яшаш майдони ва ҳайвонлар турли мавсумларда фойдаланадиган участкалар.


Сайғоқларнинг мавсумий тарқалиши ва миграцияларининг таҳлили натижасида куйидаги даврлар ажратилди: ёзги – майнинг охиридан сентябргача ва қишки – декабрдан мартнинг охиригача. Қўзилаш май ойининг бошидан ўртасигача, куйиқиш эса – биринчи декаданинг ўртасидан декабрнинг ўртасигача кузатилди. Бунда куйиқиш ва қўзилаш жойлари фақат масофавий зондлаш маълумотлари бўйича, ердаги текширув кузатишларисиз аниқланганини таъкидлаш керак. Харитада кўрсатилгандек (1-расм) қишлаш районлари Устюрт платосининг шимолий қисмида (қозоғистон қисмида: Матайқум қумлари, Асматайматай сори), қор қоплами қалин бўлмаган жойларда жойлашган. Шунингдек Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмига ҳам киришлар бўлган (қозок-ўзбек чегарасидан 35 км яқин.). Сайғоқларнинг Ўзбекистон ҳудудида бўлиши уч ойдан ошмади. Қишлаш районининг умумий майдони 1,5 минг км² ташкил этди. Ёзда сайғоқлар доимий сув манбалари бўлган Шошқакол ва Шагирай платоси районларида кузатилди. Ҳайвонларни ёзги яшаш жойларининг умумий майдони 4,5 тыс. км² ташкил этди. Микдорий тақсимланиши ва ареалнинг ушбу сайғоқ популяциясини сақлаб қолиниши учун муҳим бўлган участкаларининг ўрнашган жойлари тўғрисида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун келажакда йўлдошли мониторинг маълумотларини бошқа тадқиқот усуллари билан бирга қўшган ҳолда тўплаш керак.

2011/12 йй. қишда сайғоқларнинг Ўзбекистон ҳудудига ўтиш жойларини аниқлай олдик (2-расм). Сайғоқ ҳаракати трекларининг бирида ҳайвон чегара тўсиғини ўтолмай, ўтиш учун бошқа жойларни излашга мажбур бўлгани кўриниб турибди. Иккинчи мисол ҳайвон ўтиш жойларини топишга ҳаракат қилиб, тўсиқ бўйлаб ҳаракатланганини (умумий масофа 14 км ташкил этди) кўрсатади (3-расм). Уриниш муваффақиятли бўлди.

Устюрт популяцияси дунёда энг кам сонли популяциялигини ҳисобга олганда, яхлит чегара тўсиғининг қурилиши унинг сонини қискаришига олиб келиш жиддий хавфини туғдиради, чунки миграция йўлида бундай тўсиқ қаттиқ ва кўп қорли қиш вақтида ҳайвонларни ялпи қирилишининг сабаби бўлиши мумкин. Устюрт популяцияси сайғоқлари ҳамда Қозоғистонда яшайдиган бошқа (бетпақдала ва урал) популяция сайғоқларининг йўлдошли мониторинги давом этапти.



2-расм. Кузатиш даврида сайғоқларнинг жойлашиши ва ҳаракатлиниш треклари



3-расм. Белгиланган сайғоқларнинг мавсумий силжишларига Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегара қурилмасининг таъсири.

Ғарбий Қозоғистонда сайғоққа теккан ўлат яширин сабабларининг масофадан ва далага оид таҳлили

Энтони Дэнсер; Виктория Пинион; Ричард Кок; Э.Дж. Милнер-Гулланд; Мухит Оринбаев; Мария Карлстеттер; Навиндер Сингх; Сара Робинсон; Бибигуль Сарсенова

Муаллиф-муҳбир: Энтони Дэнсер, Лондон Империял коллеж, Буюк Британия,
anthony.dancer09@imperial.ac.uk anthony.dancer09@imperial.ac.uk

Кириш

Ғарбий Қозоғистон, Борси пос. худудида 2010 ва 2011 йй. Урал популяцияси сайғоқларига кўзилашдан сўнг теккан ўлат тўғрисида хабар берилган эди. Иккала йилда ҳам, леталлик инфекцион патоген микроорганизмларга кўра яйловлар хусусиятларига кўпроқ боғлиқ деб тахмин қилишга асос берадиган ўхшаш патология ва аломатлар белгиланган (ўлат зоналарида ўлим сони >75% бўлгани билан бошқа жойларда ушбу популяция ҳайвонларига ўлат тегмаган; катта зотларда асфиксиядан тўсатдан ўлишга олиб келадиган нафас олишнинг ўткир бузилиши/қорин шишишининг тез бошланиши) (батафсилроқ SN14 қар.). Ушбу асосда ҳайвонлар кўзилашдан кейин ўтлаган яйловларда ўсимликлар озик моддаларига ҳаддан ташқари бойлиги ва намлиги аномал даражада бўлиб тез ўсувчи ёки ўсимлик турлари таркиби нотипик бўлган деб тахмин қилинди. Атроф муҳитнинг ўзгача шароитлари, хусусан, ўлат зонаси топографияси (юқоримаҳсулдор, намликка бой пастликлар), ғайриоддий илиқ ва/ёки нам об-ҳаво, ёки яйловларнинг яхшиланиши ушбу тавсифларнинг кучайишига олиб келиши мумкин бўлган. Бундай ўсимликларни итеъом қилиш ҳайвонларда, бирданига ўсимлиги гуркираган яйловга келиб қолганда йирик шохли молларда пайдо бўладиган атипик интерстициал пневмония (АИП) ёки ўпка эмфиземасининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Биз ушбу фарз негизда ётган тахминларни текшириш учун биринчидан, масофадан олинган тасвирлардан фойдаланган ҳолда ҳайвонларга ўлат теккан районларда иқлим шароитлари ва ўсимликларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ўрганиб, иккинчидан, яйловларнинг тузилиши ва тўйимлилик сифатлари тўғрисида жойларда маълумот тўплаб, тадқиқотлар ўтказдик.

Усуллар


Биз ушбу ходисаларгача ҳарорат кўп йиллик ўзгаришлардан қанча фарқланишини аниқлаш учун Интернетдан олинган метеорологик маълумотлардан, ҳамда ўлат зоналарида ўсимликлар маҳсулдорлиги ва мутлак намлик уларнинг кўп йиллик вариацияларидан ёки атрофдаги яйловларнинг маълумотларидан қанчалик фарқ қилишини аниқлаш учун космик суратлардан фойдаландик. Биз учта: Россияда Александров-Гай, Қозоғистонда Фурманово ва Уральскдаги (мос равишда 80, 155 ва 300 км масофада жойлашган) метеостанция маълумотлари асосида 2010 ва 2011 йй. ушбу регион шароитлари билан солиштириш учун сўнгги 30 йилдаги

ўртача ҳароратлар диаграммасини туздик. Афсус, самарали таҳлил ўтказиш учун ёғингарчилик тўғрисида етарлича маълумот ололмадик. 2000 й. бошлаб 16 кунлик даврлар учун 250 м ҳал қилиш хоссасида ўсимликлар маҳсулдорлиги (NDVI) ва баргларда сувнинг миқдори ёки тупроқнинг намлиги (NDWI) индексларини аниқлаш учун MODIS (ҳал қилиш хоссаси ўртача бўлган видеоспектрометр) ёрдамида олинган космик суратлардан фойдаландик.


in situ тадқиқотларда ўлат зонаси ва сайғоқлар 2011 йилда касал бўлмаган ва 2010 йил минимал касал бўлган яқиндаги кўзилаш районларида ўсимлик дунёси ва тур бойлиги солиштирилди, ҳамда пастликлар, плато ва тепаликларда ўсимликларнинг тур бойлиги солиштирилди. Шунингдек ўсимликларда АИП ривожланишида катта роль ўйнайдиган L-триптофан мавжудлигига ҳам синовлар ўтказдик. 2012 й. май ойида топография билан мос равишда стратификацияланган, шарқдан ғарбга йўналтирилган кесиклар бўйлаб квадратларда ўсимликлар ағволини назорат қилдик. Турлар тўпланиши эгри чизигидан фойдаланиб, ординация ва тур бойлиги кўрсаткичлари ёрдамида туркумлар даражасида фарқларни ҳисоблаб чиқдик. Кўп ейиладиган ва нисбатан мўл турларнинг намуналари юқори самарали суоқлик хроматографияси ёрдамида L-триптофан мавжудлигига синалди.

Натижалар

Ҳарорат кўрсаткичлари барча метеостанцияларда ўхшаш эди. Иккала ўлат олдидан жуда қаттиқ совуқ бўлган (1-расм): Александров-Гайда ўртача максимал кундузги ҳароратнинг 2010 й. январь ойи охиридаги энг паст даражаси - $-17,3^{\circ}\text{C}$ га етган, яъни бу мавсумнинг



1-расм. Россия, Александров-Гайда ўнлаб йиллар рўйхатга олинган ўртача максимал ҳарорат (ходиса марказидан 80 км масофада).



1-расм. Россия, Александров-Гайда ўнлаб йиллар рўйхатга олинган ўртача максимал ҳарорат (ҳодиса марказидан 80 км масофада).

ўртача ҳароратидан деярли 12°C паст ва 2011 й. феврал ойи охиридаги деярли шундай паст даражаси - $16,3^{\circ}\text{C}$, яъни ўртача ҳароратидан деярли 13°C га паст. Баҳордаги, яйловларга хос бўлмаган ривожланишининг гипотетик сабаби бўлган, жуда юқори ҳарорат 2010 йилда кузатилган, бироқ 2011 йилда эмас: 2010 й. май ойининг бошида $+27,0^{\circ}\text{C}$, бу ўртача ҳароратдан 6°C га юқори.


Космик суратларнинг таҳлили ўлат даврида на ўсимликлар маҳсулдорлиги, на мутлақ намлик йилнинг бу фаслидаги кўп йиллик ўзгаришлардан фарқ қилмаслигини кўрсатади. Маҳсулдорлик ва намликнинг ўртачадан анча паст катталиклари олдинги йилларнинг (2008 ва 2009 йй.) кечки баҳорида рўйхатга олинганини белгилаш қизиқ. Ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ҳам ўлат даврида сайғоқлар ўлмаган атрофдаги участкаларда кузатилган билан ўхшаш бўлган (2-расм). Бироқ ўлат зоналарида ўсимликларнинг мутлақ намлиги туташган участкаларига нисбатан анча паст бўлган. Турли участкаларда тур таркиби фарқ қилган. Илгари ўлат бўлган районлардаги квадратлар кўзилаш

зоналарига нисбатан бир бирига кўпроқ ўхшаш бўлган, ваҳоланки кўзилаш зоналарининг участкалари тур таркиби бўйича анча ўзгарувчан бўлган (3-расм). Шунингдек ўлат зоналарида юқори тур хилма-хиллиги кузатилган. Бундан ташқари, пастликлар тепалик ёки платосимон участкаларга нисбатан тур хилма-хиллиги бўйича бойроқ бўлиб чиқди. Барча участкалардан олинган намуналарда L-триптофан микдори АИПни кўзгата оладиган даражада юқори бўлиб чиқди.

Муҳокама

2011 й. ўлатдан олдин жуда баланд ҳарорат кузатилмади, бу сайғоқларни ўлимга олиб келган омил бўлиши мумкин эмас деган тахмин қилишга имкон беради. Бироқ, ундан олдинги қишлар анча совуқроқ бўлган, бу эса ўсимликлар хусусиятларига таъсир кўрсатиши ёки сайғоқларнинг касалликка мойиллигини ошириши мумкинлигини белгилаш қизиқ. Ёғингарчилик ўзгаришини баҳолашга имкон бўлмаса ҳам, маҳаллий аҳоли ўлат олдида об-ҳаво жуда нам бўлганини эслади. Бироқ, ушбу нам об-ҳаво ўсимликларнинг мутлақ намлигини ва маҳсулдорлигини ўзгартирганида, бу NDVI ёки NDWI таҳлилларида ўз аксини топган бўлар эди. NDVI индекси бошқа йилларнинг кўрсаткичи ёки ўлат райони ва бошқа участкалар ўртасида фарқ қилмаган бўлса ҳам, барг/туپроқ намлигининг кўрсаткичлари ўлат жойлари ва туташган участкаларда фарқ қилган, бу яйловлар хоссаларида, сайғоқлар ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган қандайдир фарқ бўлган деб тахмин қилишга имкон беради. Бундан ташқари, NDVI бошқа экстремал қийматларини текшириш керак. Бундан ташқари, кейинги йилларда яйлов хоссаларини потенциал ўзгартирган 2008 ва 2009 йиллардаги маҳсулдорлик ва намликнинг одатдагидан паст кўрсаткичлари кизиқиш уйғотади. Бироқ, космик суратларнинг паст ҳал қилиш хоссаси, эҳтимол, масштаб бўйича ўсимликларнинг майдароқ ўзгаришини ноаниқ қилган. Бу жуда муҳим, чунки сайғоқлар озуқа танлашда талабчан.

Яйловларни ўрганишимиз сайғоқлар кўзилашдан кейин борадиган яйловлар АИП кўзгатишга етарли потенциалга эгаллигини кўрсатади:



3-расм. 2010/11 йй. ўлат ва кўзилаш жойлари учун истисно қилинган трендли таҳлил асосида ординация. Нукталар билан алоҳида квадратлар кўрсатилган, ранг билан турли участкалар ажратилган: 2010 й. кўзилаш зонаси (қора), 2011 й. кўзилаш зонаси (кўк), 2010 й. ўлат зонаси (яшил) ва 2011 й. ўлат зонаси (қизил). бошқа рангли нукталар таркиби бир хил бўлган кўп сонли квадратларни кўрсатади.

Катта тур бойлиги синдромнинг потенциал катализатори бўлган жуда кўп энергетик ва озика моддаларининг мавжудлигини тасдиқлайди; L-триптофан эса унинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Шунга қарамасдан, бу касалликнинг авж олишига ёрдам берувчи барча омиллар эмас, бизнинг ўрганиш имкониятларимиз эса ўлат йлларида эмас 2012 й. ўтказилиши билан чегараланган эди.

Ушбу натижалар, асосан, ҳозирги фаразни тасдиқлайди: масофадан таҳлил қилиш ўлат жойларида ғайриоддий об-ҳаво ва ўсимликлар хусусиятларида аниқ жой учун хос бўлган фарқларни маълум даражагача тасдиқлайди; яйловларда ўтказилган таҳлил эса ўлат зонасида яйловлар АИП қўзғатиш учун етарли потенциалга эгалигини кўрсатади. Бу айнан шу факт ўлат сабаби бўлганини тасдиқламайди, бироқ тадқиқот-

ларни давом эттириш зарурлигини исботлайди. Кейинги йилларда юзага келган иқлим шароитларининг ўсимликлар ўсиши ва озика моддаларини тўплаш даражаларига таъсирини баҳолаш ва типик яйловларга нисбатан ўлат зоналарида ўсимлик таркиби ва тупроқ хоссаларининг батафсилроқ таҳлилинини ўтказиш жуда фойдали бўлар эди. Яйловлар ем-хашаги ва кўзилашдан кейинги даврда ўтларнинг ейилиш даражасининг мониторинги шунингдек сайғоқлар яйловлардан қандай фойдаланишини тушунишни яхшилаш учун керакли маълумот билан тامينлай оларди. Бу эса, ўз навбатида, қандай қилиб келажакда ҳайвонлар ўлатини камайтиришни, масалан, АИП билан касалланиш эҳтимоли жуда баланд бўлган яйловларга ҳайвонларнинг боришини чеклаб, яхшироқ тушунишга ёрдам берарди.

Устюртда сайғоқлар овининг қадимги техникаси: аран қолдиқлари

Джозеф В. Булл, Александр Есипов

Муаллиф-муҳбир: Джозеф В. Булл, Империял коллеж Лондон, Буюк Британия, j.bull10@imperial.ac.uk

Ўтган асрнинг 70-чи – 80-чи йилларида Устюрт платосини археологик текширишда академик В.Н.Ягодин найзасимон планировка ёки аранларни топган ва тавсифлаган. Бу, шу ерда ўз вақтида яшаган қулон (*Equus hemionus*), сайғоқ, жайрон (*Gazella subgutturosa*) ва устюрт қўйларини (*Ovis vignei*) овлаш учун қўлланилган ўзига хос жуда катта (1-расм) овчилик қурилмалари. Ўхшаш қурилмалар шунингдек Яқин Шарқ, Европа ва Америкада топилган.

Аслида бу ўнлаб гектар майдонни эгаллайдиган, йўналтирувчи “мўйловлари” воронка кўринишида тарқаладиган қўралар. Бўйламасига олинган тупроқ сепилган траншеялар аранлар девори бўлган. Аранлар жой рельефига усталик билан мослаштирилган ва овчилар ҳайвонлар биологияси, хусусан уларнинг миграция йўллари яхши билишини намойиш этади. Аэрофотосуратларда аранлар қандай кўринишини билиб, биз уларни GoogleEarth космик суратларда ҳам топмоқчи бўлдик. Анча уринишлардан кейин шимолий устюрт найзасимон планировкалар гуруҳидан битта аран топилди.

Биз учун муҳим томони найзасимон планировкалар аниқ кўринадиган, тахминан 2500 м баландликка мос энг қулай масштабни танлаш эди. Ҳаммаси бўлиб космик суратда 50дан ортиқ аран топилди. Улар ҳар хил сақланган, лекин тузилиши деярли бир хил.



1-расм. Аниқ “найзасимон” шаклдаги араннинг космосдан кўриниши. Устюрт Ўзбек қисмининг шимолий-шарқи.

Баъзи аранлар эксплуатация жараёнида қайта қурилган ва яхшиланган ва шу сабабли қўшимча тузилиш элементларига эга бўлган. Барча аниқланган аран Устюртнинг шарқий чинкидаги Дуона табиий чегараси (Ўзбекистон) Сам сорининг шарқий чеккаси

(Қозоғистон) ва Тасай қудуғидан (Қозоғистон) жанубий-шарққа 25 км да бўлган жой орасидаги учбурчакда жойлашган. Ушбу учбурчак томонлари мос равишда 130, 110 ва 100 км ташкил этади.

Аранлар уч қаторда гуруҳлар билан жойлашган ва аксарияти озгина оғиш билан шимолга тўғриланган. Фақат бир неча энг шимолий қурилмалар жанубий ориентацияга эга. Афтидан, шимолга тўғриланган ўтарлар қузда жанубга қўчаётган сайғоқларни овлаш учун фойдаланган. Жанубга йўналтирилган кам сонли аранлар, чамаси қарама-қарши миграцияга мўлжалланган. Тахмин қилинишича, найзасимон планировкалар иккита режимда ишлаган бўлиши мумкин: пассив ва фаол. Биринчи ҳолатда жанубга қўчаётган ҳайвонларнинг ўзи қўраларга кириб қолган ва овчилар у ерга ўлжани ўлдириш учун келиб турган. Фаол ов ҳолатида ҳайвонлар аранларга ҳайдаб киргизилган ва у ерда ўлдирилган.

Ниҳоят, аранларнинг аниқ координаталарини олиб, нефть ва газ компанияларининг табиатга келтирадиган зарарини аниқлаш бўйича ПРООН/ГЭФ лойиҳаси доирасида Устюртда экспедицияда ишлаб, 2012 йил июнда имкониятдан фойдаланиб, бир неча яхши сақланиб қолган қурилмани кўздан кечирдик. Аранларни илгари ҳеч ким кўрмагани сабабли, биринчисини тушинишга анча вақт кетди. Аниқ найза учиде туришимизни шубҳасиз била туриб ҳам биз уни кўрмадик. Дастлаб биз тош деворга ўхшаш ёки қандайдир ўхшаш қурилмани кўришни мўлжаллаган эдик, бироқ атрофда битта ҳам тош йўқ эди. Доира бўйлаб юриб, ўсимликлар бир хил эмаслиги ва рельеф ҳам унча текисмаслигини кўриб, биз ниҳоят тушундик, аранлар – бу баъзи жойларда яхши сақланиб қолган хандақлар: баъзи жойларда уларнинг чуқурлиги ўнлаб сантиметрли ташкил этади – юзлаб йиллар билан ҳисобланадиган ёш учун ёмон эмас (2-расм). Академик Ягодиннинг тахминий баҳолашига кўра, шимолий устюрт гуруҳи аранларининг қурилиши (ва ишлатилиши) тахминан милoddан аввал биринчи минг йилликнинг ўртасида бошланган.

Аранларнинг катталиги таассурот туғдиради: улар деярли бир хил катталиқда ва бежири тўғри шаклда бўлиб майдони 31 гектардан 43 гектаргача бўлган тўғри бурчакка мос тушади.

Битта аранни ташкил этадиган хандақ узунлиги ўртача 2250 м ташкил этади. Бундай улкан овчилик қурилмаларининг оммавий сермашаққат қурилиши ва ишчи ҳолатда сақланиб туриши, Устюртда тупроқ қаттиқлигини ҳисобга олганда уларнинг қурилишига сарфланган меҳнат умумий бўлганлиги ва мўл ўлжа билан қопланганлигини кўрсатади. Шу билан бирга туёқлилардан фойдаланиш узок вақт давомида турғун бўлган.

Бугун, сақланиб қолган ариқларда ёмғир суви ва қорнинг тўпланиши сабабли, у ернинг ўсимликлари, (*Artemisia terrae-albae*) шувоқнинг кўп микдори туфайли куруқроқ участкалардагидан фарқ қилади. Худди шу контраст аранларни космосдан яхши кўришга имкон беради.

Кейинчалик, команدامиз аъзоларидан бири, Виктор Григорьев GoPro экстремал съёмкалар учун видеокамера ва камерани ярим километр баландликка кўтариш учун пилотсиз вертолётга эга бўлди. Ускуна Уитли фонди (Whitley Fund for Nature) лойиҳасининг доирасида доимий маршрутларда (мотоцикллардан фойдаланиб) сайғоқ мониторингининг навбатдаги раундини ўтказиш вақтида синалди. Қутилганидек, тепадан аран жуда зўр кўринади, айниқса, қуёш уфқ чизиғига яқин бўлган соатларда (3-расм).

Сўнгги 2 минг йилликда сайғоқларнинг феъл-атвори кам ўзгарганга ўхшайди. Ҳисобга олишларимиз маълумотлари бўйича бу ҳайвонлар қорақалпоқ Устюртида кўпроқ айнан қадимги овчилар кенг қўламли овларини биргалиқда ва муваффақиятли ўтказган найзасимон планировкалар тизими жойлашган районда учрайди.



2-расм. Араннинг жойида кўриниши.



3-расм. Араннинг тепадан кўриниши.

Ҳозирги вақтда браконьерлар мотоциклларда йўқолиш чегарасига олиб келиб, устюрт сайғоқ популяцияси сонини анча қисқартирди. 2012 йилда уларнинг кўп асрли миграцион йўллари тўсган, тикан симли чегара тўсиғининг қурилиши алоҳида ташвишлантормоқда (SN-15 қар.). бу янги тўсикни олиб ташлаганда, ва у турган жойда ўтдан бошқа ҳеч нима қолмаганда, сайғоқлар ўзининг азалги кўчиб юриш йўллари билан юриб, омон қолиши мумкин деб ишонгимиз келади.

Лойиҳалар эълони

2012 й. Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс кичик грантлар дастури танловининг натижалари

2012 й. Кичик грантлар дастури WCN томонидан қувватланди ва жойларда сайғоқ бўйича лойиҳаларни молиялаштириш ва Кўчиб юрвучи турлар бўйича Конвенция Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича ҳамжихатлик тўғрисидаги Меморандумининг Ўрта муддатли халқаро ишчи дастурини бажариш учун шароитлар яратиш бўйича ўзининг ҳар йилги фаолиятини давом эттирди. Бу йил биз Россия ва Хитой лойиҳаларини молиялаштиришдан мамнун бўлдик.

Анатолий Хлуднев лойиҳаси “Степной” заказнигининг техник таъминотини кучайтириш ва Россиянинг Астрахан областида браконьерликка қарши курашни кучайтириш ҳамда сайғоқ муҳофазасини яхшилашга қаратилган. Шунингдек лойиҳа экологик билимларни тарғибот қилиш ва табиатга ғамхўрлик муносабатини тарбиялаш вазифаларини кўяди.

Фупинг Сунн лойиҳаси Гуанчжоу (Хитой) провинциясида сайғоқ дериватларининг савдоси ва улардан фойдаланиш даражасини пасайтиришга йўналтирилган. Лойиҳа 2009 й. Табиатни муҳофаза қилиш жамияти(WCS)нинг Хитой дастури бошлаган, Квинпингда анъанавий хитой тиббиёти бозорларининг мониторинги бўйича ишларни давом эттириш ҳамда сайғоқ ва унинг дериватларининг ноқонуний савдосини қисқартириш учун қонунчилик масалаларида одамларнинг хабардорлигини ошириш вазифаларини олдига кўйган.

Танлов ғолибларини табриклаймиз ва ишларининг натижалари тўғрисида кейинги *Saiga News* сонларида ўқишга умид қиламиз. Илтимос, Кичик грантлар дастури бўйича шарҳ ва маслаҳатларингизни муҳарриримиз Елена Биковага юборинг.

Сайғоқ бўйича ХМ бажарилиши бўйича CMS ишчи йиғилиши ва Сайғоқни сақлаш бўйича Альянснинг умумий йиллик йиғилиши

CMS/ЮНЕП Котибияти Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) ва Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс (АСС) билан биргаликда **2013 йил 18 июн куни Қозоғистон, Остонада** сайғоқни сақлаб қолиш масалаларида Ҳамжихатлик меморандуми(ХМ)нинг бажарилиши бўйича ишчи учрашув ўтказишни режалаштирди. Кенгаш мақсади: сайғоқнинг яшаш жойларига инфратузилманинг таъсири ва қандай қилиб салбий натижаларнинг олдини олиш мумкинлигини муҳокама қилиш. Кенгашда шунингдек ХМ ва 2011-2015 йй. сайғоқ бўйича ўрта муддатли халқаро ишчи дастур бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича кундалик масалалар кўрилади, ҳамда Сайғоқ бўйича ресурс марказининг веб-сайти тақдим қилинади. Кўшимча маълумот олиш учун, илтимос АСБК дирек-

тори Ольга Климанова билан электрон почта: olga.klimanova@acbk.kz орқали, ёки факс бўйича: +7 727 220 3877 боғланинг.

CMS кенгашидан кейин, **2013 йил 19 июн куни эрталаб соат 10-да** Сайғоқни сақлаш бўйича Альянснинг умумий йиллик кенгаши бўлиб ўтади. Ушбу турни сақлаш масалалари билан кизиққан барча АСС томонидан ўтказиладиган олдинги, ҳозирги ва келажакдаги тадбирларни муҳокама қилиш, ҳамда уларнинг мақсади ва вазифалари бўйича ўзининг фикрини билдириш учун, кенгашда иштирок этишга таклиф қилинади. Кўшимча маълумот олиш ҳамда кенгашда иштирок этиш учун рўхатдан ўтиш учун, илтимос, АСС котиби Елена Бикова билан боғланинг, esipov@xnet.uz.

Сайғоқни сақлаш – ҳаётларининг иши

Табиат ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш – олижаноб иш. У бизни илҳомлантиради ва ҳаётимизни бойитади, фаровонлигимизнинг ошишига ёрдам беради ва яшаш учун барча зарур бўлган нарсалар билан таъминлайди. Бундан ташқари, йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида турган турларни сақлаб қолиш бўйича миллий ва халқаро мажбуриятларимизнинг бажарилишига кўшилган жиддий ҳисса бўлади. Ўзини бу юксак мақсадга бағишлаган “Сайғоқни муҳофаза қилиш инспекцияси” (ИОС) ғарбий Мўғулистоннинг Алтай-Саянск экорегионида фаол ишламоқда. Биз сайғоқни муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбари – ж-б Б. Батсайхан билан сўхбатлашдик.

Муҳаррир: “Сайғоқни муҳофаза қилиш инспекцияси” гуруҳи қачон илк бор тузилган?

Б.Б.: У сайғоқни сақлаш лойиҳамиз доирасида 2007 й. октябрда тикланди. Командамиз аъзолари сайғоқ яшайдиган Ховд ва Гоби-Алтай провинцияларининг 11 сомон (район) ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини муваффақиятли ўтказди. Сайғоқни

муҳофаза қилиш инспекцияси 6 кишидан иборат команда билан аҳолининг хабардорлигини ошириш ва илмий экологик мониторинг ўтказиш мақсадида илк бор 1998 йилда тузилган эди. Ҳозир сайғоқлар яшайдиган барча ҳудудда 13та инспекторимиз бор.

Муҳаррир: Инспекция тузилишидан олдин вазият қандай эди? Ноқонуний ов ҳамма ерда бўлган деб ўйлайман?



Б.Б.: Сиз ҳақсиз. Гуруҳимиз тузилишигача қанча ҳайвонлар бўлгани ва қанча ноқонуний овлаш ҳолатлари бўлганини биз билмаймиз. Ягона билганим, бу, яшаш ҳудудида ҳеч қандай назорат ва патруллаш бўлмаган, аммо сайғоқ шохлари ва ёввойи табиатнинг бошқа маҳсулотларини сотиб олиш тўғрисида эълонлар кўп бўлган. Самарали иш ва яхши режалаштирилган тадбирлар натижасида ИОС ташкил қилиниши билан кўп сонли ноқонуний овлаш ҳолатлари аниқланди.

Мухаррир: Инсон ресурслари ҳар қандай табиатни муҳофаза қилиш тармоқнинг муҳим компоненти бўлади. Командангиз аъзоларига қандай имкониятлар берилган?

Б.Б.: егерларнинг кўпчилиги чўпонлар ва сайғоқлар яшаш ҳудудида доимо яшайди. Уларнинг ҳар бирини маҳаллий аҳолига таяниб ишни таъминлайдиган кўнгилчилар гуруҳи қўллаб-қувватлайди. Улар туғилиб ўсган жойларини ва тур хусусиятларини жуда яхши билади, табиатни муҳофаза қилишга кўпроқ манфаатдор, бу ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Инспекциямиз 3та командадан иборат, биз муваффақиятлироқ ишлаш учун ўзаро мусобақалашамиз, бу командаларнинг янада зўр бериб ишлашига ёрдам беради. Инспекция сайғоқнинг барча яшаш ҳудудида доимий ҳозир бўлишни таъминлайди, бу браконьерларни қўрқитиш ва маҳаллий аҳоли томонидан ёрдамни жалб қилиш учун жуда муҳимдир. Барча инспекторларимиз таълим олган, мотоцикл, радио алоқа, навигация (GPS) воситалари, рақамли фотокамера, дурбин, дала хариталари ва формали кийимга эга. Биз ҳар ойда мўғул сайғоғининг стандарт экологик дала кузатишларини олиб борамиз ва ҳар чорак команда ичида муҳокама қилиш йўли билан ишчи режаларни ишлаб чиқамиз. Айнан шунинг учун бизнинг ишимиз ижобий натижаларга олиб келади.

Инспекция юқори мотивацияланган, яхши ўқитилган ва регионда катта ҳурматга эга. Бу Мўғулистонда энг яхши ва самарадорли ишлаётган қонунни ҳимоя қилиш бўлинмаларидан бири.

Мухаррир: Инспекцияда ишлаш даврида ноқонуний овнинг қандай аниқ ҳолатларини аниқлагансиз?

Б.Б.: 2007 йилдан буён маҳаллий қонунни ҳимоя қилиш органлари, ҳамда табиат ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида жиноятларни кузатиш билан шуғулланадиган “МАРУ-3” командаси билан биргаликда 35та сайғоқни ноқонуний овланишининг 7та

ҳолати аниқланган, жиноятчилар қонунни ҳимоя қилиш органлар ихтиёрига топширилган. Шунингдек биз 44та сайғоқни ноқонуний овланишининг 8та ҳолатини аниқладик, бироқ жиноятчилар топилмади ва бу ҳолатлар тергов босқичида. Сайғоқларнинг ноқонуний овланишидан ташқари, улар яшайдиган ҳудуд ва яқинидаги участкаларда жайрон, тоғ эчкиси ва илвирсени овлаш ҳолатларини ҳам аниқлаймиз. Бироқ, менинг фикримча, бундай ҳолатларнинг аниқланиши энг муҳим иш эмас, энг муҳим вазифа – бу ҳолатлар содир бўла олмайдиган шароитни яратиш. Ҳозирги вақтда инспекторлар одамларни жарима ва жазолардан иборат мажбурий жазолар билан қўрқитишдан кўра, маҳаллий аҳолининг табиатни ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида хабардорлигини яхшилаш усулларини билиши керак. Бугун биз асосий эътиборни юқорида кўрсатилган ёндашишларга қаратимиз. Назорат билан бир қаторда, одамларни браконьерликдан тўхтатиб қолиш учун, аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича тадбирлар олиб борамиз. Ҳеч бўлмаганда, сайғоқ яшайдиган районлар аҳолиси энди у ерда сайғоқнинг ҳимоячилари борлигини билади ва бизнинг ишимизни қувватлай бошлади. Маҳаллий аҳоли билан ишлаш жуда муҳим.

Мухаррир: Командангиз қандай қийин вазифалар билан тўқнашади?

Б.Б.: Албатта, қийинчиликлар бор. Сайғоқ шохига мавжуд бўлган эҳтиёж салбий роль ўйнайди ва оммавий браконьерликка имкон туғдиради. Бизнинг тахминимиз бўйича, сайғоқ шохининг савдоси билан яширинча шуғулланадиган, яхши уюшган гуруҳлар мавжуд. Бу қийинчиликларнинг бири. Баъзи ҳолларда биз билмаган сайғоқ шохларини божхоначилар чегара пунктларида мусодара қилади.

Мухаррир: Нолегал ов қилиш ва шох савдоси билан курашишда энг муҳими нимадан иборат бўлди?

Б.Б.: Браконьерлик ва ёввойи табиат маҳсулотларининг нолегал савдоси ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи одамларни мукофотлаш ноқонуний фаолиятни аниқлаш усулларининг энг яхшиси бўлиб қолди. Бундай сиёсат сайғоқ яшайдиган бутун ҳудудда маълум қилинди. Пул мукофоти браконьерлик ҳолатларининг аниқланишига олиб келади. Бугунги кунга қадар сайғоққа бўлган браконьерлик тўғрисида муҳим маълумот берган 8 киши ва бу браконьерлик ҳолатлари устида фаол ишлаган 3та полиция ходимини мукофотладик.



Б. Батсайхан ИОС инспекторлари гуруҳи билан.

Мухаррир: Ишингизнинг шу барча йиллардаги муҳим натижалари қандай?

Б.Б.: Сайғокни сақлаш лойиҳаси бўйича ҳисоботда кўрсатилганидек, популяция сони 40%га ошди ва 10%га тарқалиш майдони кенгайди, бу аҳолининг фикри, сайғокларнинг ҳозирги сони, доимий кузатишларнинг натижалари ва янги районларда тарқалиши билан тасдиқланади. Масалан, 2008 йилдан буён сайғоклар гуруҳи, олдинги бир неча ўн йилликлар давомида сайғоклар бўлмаган Дурун Талдан шимолда кузатилмоқда. Эҳтимол, бу муваффақиятли қонунни ҳимоя қилиш иши ва сайғокларнинг чўпонлар томонидан тан олинишининг биринчи натижасидир. Маҳаллий аҳоли маълумоти ва хабардорлигининг даражаси ошди, у ҳамкорликка ва ёрдам беришга манфаатдор. Одамлар фақат сайғок хусусида эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа саволлар бўйича ҳам бизга мурожаат қилади, яъни сомонлар инспекциясига нисбатан кўпроқ.

Мухаррир: Одатда ўзингизни инспектор деб номлайсиз. Сизнинг вазифаларингиз фақат сайғок билан чекланганми?

Б.Б.: Сайғокни сақлаш бўйича инспекция деб номланишимизга қарамай, бизнинг ишимиз табиатни муҳофаза қилишнинг барча жиҳатларига тарқалади. Мен ўйлайман, сиз ҳақсиз. Биз фақат сайғокни эмас, балки, бутун табиатни ҳам ҳимоя қиламиз.

Мухаррир: Сайғокни муҳофаза қилиш ишида нималарни устувор вазифа деб биласиз?

Б.Б.: Мўғул сайғоғи – жуда ноёб тур. Агарда, джугт каби шиддатли табиий офатлар тез-тез бўлиб турса, у йўқолиб кетиши мумкин. Шунинг учун сайғокларнинг яшаш чегараларини кенгайтириш жуда муҳим. Бунга эришиш учун, турни, жумладан миграцияси, тарқалиши, озикланиш хусусиятлари ва яшаш ареалини кенгайтириш имкониятларини ўрганиш керак. Иккинчи муаммо – яйловларнинг етишмаслиги ва сайғок яшайдиган жойларда чорва молларининг юқори зичлиги. Турли шерик ташкилотлар ва аҳоли гуруҳларининг кўп томонлама ҳамкорлиги чорва моллари ва ёввойи туёқдиларнинг биргаликда омон қолиши мақсадида сайғоклар тарқалган районларда яйловларни барқарор бошқарилиши учун муҳим ва асосий вазифа бўлади.

Миннатдорчиликлар

Сайғокни сақлаш бўйича Альянс сўнгги 6 ой давомида бизнинг фаолиятимизни қўллаган барчага, хусусан Марджори Паркер, Линда Табор-Бек, Стивен ва Карин Чейзлар, Кеннон ва Боб Хадсонлар, Майкл Хакетт ва Дэвид Хэйл, Чип Оуэн, Николас Гонзалес ва унинг оиласи., Джулий Скардин ва Джефф Флокенга, Миннесота ҳайвонот боғи Фонди, Джоан Вридвуд, Элисон Фуллер, Джоэл Сартоне ва Джун Штурм, Сюзан Вайтинг, Ник Линдсей, Джозеф Альфано, Гевин Эванс ва Дебора Чернейколарга ўз миннатдорчилигини билдиради.

WCN ходимлари ва кўнгилчиларига қўллаб-қувватлаши ва ёрдами, “Дисней-Канада” Фондига Ўзбекистонда дастурларни қўллаб-қувватлаши, CMSга коммуникацион кўмаги учун миннатдорчилигимизни билдирамиз. SCA Saiga Spotlight (<http://www.saiga-conservation.com/saiga-spotlight.html>) янги бюллетенини тайёрлашда ёрдам берган графика дизайнери Майк Бромбергга алоҳида миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ушбу соннинг чиқишига ёрдам берган ташкилотлар Рафффорд фондининг Кичик грантлар дастури, WCN, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитойга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Таҳрир хайъати. Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-консультант], Империял Коллеж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Зоология институти (teriologi@mail.ru), О.Климанова, АСБК (olga.klimanova@acbk.kz); Хитой: Аили Канг (akang@wcs.org) ва Фенглиан Ли (fli@wcs.org), WCS Хитой; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен (lkhagvasuren@gmail.com) ва Б. Чимеддорж (chimeddorj@wwf.mn), WWF-Мўғулистон; Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (saigak@hotmail.com) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёвойи ҳайвонлар маркази (saiga-center@mail.ru); Ўзбекистон: Е. Бикова [маъсул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот оламининг генофонд динститути (esipov@xnet.uz).

Бу нашрни online www.saiga-conservation.com, <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да, ёки сўровнома бўйича босиб чиқарилган кўринишда инглиз, қозок, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни қуйидаги манзил бўйича esipov@xnet.uz ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилидаги муаллифлар учун қодаларни www.saiga-conservation.com да топиш ёки сўровнома бўйича муҳаррирлардан олиш мумкин. Агарда саволлар туғилса илтимос, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири ёки маъсул муҳаррир Елена Бикова (esipov@xnet.uz) билан боғланинг.